

БИБЛИОГРАФИЯ - (юнунча - китоб, ёзаман) адабиётшуносликнинг ёрдамчи сохаларидан бири. Илгари китобиёт деб юритилган бу соха бадий адабиёт ва адабиётшуносликка оид китобларнинг ёзилган, кўчирилган ёки босилиб чиккан йили ва жойи, муаллифи хакидаги маълумотларни тўплаш билан шугулланади. Библиография ўрганилиши зарур бўлган илмий-адабий матнлар ва манбаларни аниқлайди; тадқиқ этилаётган мавзунинг ишланиши, шунингдек, у ёки бу адибнинг хаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихини кузатиб боришга, қачонлардир нашр этилган-у, кейинчалик турли сабабларга кўра унутилган ёхуд йўқотилган матнларни адабиётшунослик илми доирасига олиб киришга ёрдам беради.